

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 40 КУН ҚОЛДИ

Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 21 июль, № 26 (261) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

• Эзгу орзуларимизни амалга ошириш, ёрқин келажагимизни бунёд этиш, дунёда «Биз — ўзбеклармиз», дея мағрур юришимиз учун энг аввало нима керак? Миллий ғурур керак... Ғурурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўктириб бўлмайди...

Ислом КАРИМОВ.



ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРИ

- 1992 йил 2 март — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қабул қилинган кун.
- 1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун.
- 1993 йил 4 март — мустақил давлатнинг биринчи расмий ордени — икки даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун.
- 1994 йил 5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини, «Мустақиллик», «Дўстлик» ордени ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган кун.
- 1994 йил 1 июль — Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилган кун.

Гулла,
яшна
жонажон,
Ватан!

Бизнинг фахримиз, ғуруримиз, ифтихоримиз МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси XII қаҳриқ Олий Кенгашининг XI сессияси 1992 йил 8 декабрда модда-модда овоз бериш йўли билан мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституциясини қабул қилди. Бу республика тарихидаги буюқ воқеадир. Ўзбекистон халқи илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу тарихий факт унинг Конституциясида тантанавор мустақамлаб қўйилди.

Маъзур ҳужжат дунё сиёсий ҳаритасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги фактини акс эттирди.

Конституция халқнинг узини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик дав-

лат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалади. Конституцияда давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги кузгудагидек акс этиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Президент Ислом Каримов қисқа, лекин сермазмун ва ифодали таъриф берган.

«...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалса-

фаси, гоёсига қўра янги ҳужжатдир — деб таъкидлади у. — Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамияти дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «Ф у қ а р о» жамият—давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилик».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мутал (Мутаваккил) БУРХОНОВ мусиқаси
Абдулла ОРИПОВ сўзи

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!
Нақорат:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!
Нақорат:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!



Ўзбекистон пахтаси ва ноз-неъматлари билан фахрланмай бўладими?!

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Сиёсий Кенгашининг III Пленуми тўғрисида
АХБОРОТ

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутаты, академик Турғунпўлат Даминов бошқарди. Пленумда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг партия Кенгашлари биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этдилар.

Пленум катнашчилари кун тартибига қўйилган «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партия-



си ташкилотларида ижрочилик интизомини мустақамлаш тўғрисидаги масалани муҳокама этдилар. Айнан шу масала юзасидан Сиёсий Кенгаш ко-

Аҳмаджонов, социология фанлари доктори Абдулла Қаҳоров, Тошкент вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Маҳмуд Мўйдинов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Гуломмаҳмудов ва бошқалар сузга чиқдилар. Сузга чиққанларнинг ҳаммаси маърузани маъқуллаб, бошлангич партия ташкилотлари ишини янада яхшилаш, ижро интизомини мустақамлаш, аъзолик бадалларини яхши йўлга қўйиш ва янада кенгрок халқ орасига кириб бориш лозимлигини таъкидладилар.

Пленумда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Партия ахбороти

САФЛАРНИ МУСТАҚАМЛАЙЛИК

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ангрэн шаҳар Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумга унинг аъзоларидан ташқари бошлангич партия ташкилотларининг котиблари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари тақлиф этилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ангрэн шаҳар Кенгашининг биринчи котиби А. Раҳматуллаев «Тошкент вилояти партия ташкилотининг II пленуми қарорлари асосида шаҳар

партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида» маъруза қилди. Маърузачи ва сузга чиққан шаҳардаги техника коллежи раҳбари Қўлдош Насибалиев «Ангрэнэнергоцветмет» корхонаси раҳбари муовини Л. Гринштейн, «Автоташмирлаш» корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С. Абилов, «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармасининг катта диспетчери О. Азимова ва бошқалар партиянинг

омма орасидаги обрусини кутариш, унинг сафларини жамиятимизнинг муносиб кишилари ҳисобига ўстириш, жойларда партиянинг янги касби ҳисобланмиш бошлангич партия ташкилотларини тузишга кумаклашиш учун кулларидан келган ердани аямжақларини изхор этдилар.

Пленумда Ангрэн шаҳар ҳокимининг муовини А. Қунаров катнашди. Пленум ишида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг иккинчи котиби Маҳмуд Мўйдинов сузга чиқди.

Ирода ЕРМАТОВА.

Халқимизнинг энг улуғ айёми бўлмиш мустақиллик байрамига ҳам бир ойдан бир оз қўл қолди. Ҳозир истиқлолнинг 9 йиллигини нишонлашга ҳамма ерда қизғин ҳозирлик қилинмоқда. Халқимизнинг ғайрат-шияовати билан юртимиз тобора чирой очиб бораётди. Янги-янги корхоналар, маданий-маърифий иншоотлар, маиший хизмат бинолари қад ростламолда.

Равон йўллар, боғу ҳибонларни айтмайсизми? Хуллас юртимиз жаннатмакон дийёрга айланиб бормоқда. Бу ниманинг шарофати? Бу албатта мустақилликнинг, истиқлол яратиб берган имкониятларнинг шарофатидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик ҳар қанча эъзозласак, унга бағишлаб тадбирлар уюштирсак, шу баҳонада тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бурсак, нур устига аъло нур бўларди.

Аммо юртбошимиз Оқсарон қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йилгишда мустақиллик байрами муносабати билан амалга ошириладиган айрим тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларидан қониқмаётганликларини таъкидладилар.

Биз шу муносабат билан юртдошларимиздан бир нечтаси билан учурашиб, байрамга тайёргарлик бурсак олиб бориётган ишлар ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳақида сузлаб беришни сурадик.

Саттор ҚОРАБОВ, Жиззах ўлкашўнослик музейи Зоим туман бўлими раҳбари:

— Президентимиз айтганларидек, бугун қуруқ расми-ятчиликдан қутулишимиз, халқнинг, айниқса, ёшларнинг дилига йўл топиб бора оладиган тарғибот усуллари осонликча қўлга киритгани йўқ. Уни миллиятимизнинг гули бўлган не-не асл услонларнинг туккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлар эвазига қўлга киритдик.

Ана шу гоёларни одамлар, айниқса, ёшлар онига сингдириш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифадир. Миздан бўлмоғи керак, деб ҳисоблайман. Бу борада халқимизнинг буюқ ўтмишини рўй-рост кўрсатиб берадиган музейлар ва улардаги экспонатларнинг роли бекибдир.

Тўлкин исломов, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкатлар хўжалиғи молия-иқтисодот маркази бошлиғи:

— Тўлкин исломов, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкатлар хўжалиғи молия-иқтисодот маркази бошлиғи:

БАЙРАМЛАРИНИНГ ГУЛТОЖИСИ

— Мен юртбошимизнинг Оқсаройдаги йилгишда айтган барча сузларига юз фоиз қўшилиман. Хусусан, мустақиллик Ватанимизга нима берди, халқимиз учун қандай имкониятлар очди қабил саволларнинг жавобини аниқ ва тушунарли кўрсатиб беришимиз даркор.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эришилган бекиёс ютуқларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари шундай воситаларидан биридир. Дарҳақиқат истиқлол туфайли нафақат хўжалигимизнинг номи, одамларнинг турмуш тарзи, онги, дунёқарши, меҳнатга муносабати узгарди. Одамлар узларини ернинг ҳақиқий хўжалиқлари деб ҳис қила бошладилар. Шунинг учун ҳам йил сайин хўжалик иқтисоди юксалиб, одамларнинг турмуш фаровонлашиб борапти.

Биргина мисол: «Бойқозон» ширкат хўжалиғи

лар рўй берди. Қисқа муддатда асрларга тенг тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бугун Ўзбекистонни жаҳон танимоқда. Ўзбек ишбилармонлари, сивсатчилари, бизнесменлари, олимлари чет эллик ҳамкасблари билан басма-бас ишлашмоқда. Юрт номини олам узра танитишмоқда.

Лекин юртбошимиз барча соҳаларда эришган ютуқлардан қониқмаётганликлари, тараққиётни жадаллаштириш,

Фикр

фати туфайли билимим, иқтидорим чет элларда эътироф этилишига эришди. Бунинг илгарилири хатто оруз қилиб ҳам бўлмасди.

Ҳақимжон ХАЛИЛОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилоят Кенгашининг биринчи котиби:

— Олий Мажлисининг II сессиясида сузлаган нутқида Президентимиз Ислом Каримов мамлакат Парламенти фаолиятини тақомиллаштириш ва уни жаҳон андозаларига тенглаштириш зарурлигини таъкидлади. Ҳақиқий ҳуқуқий давлатни қўриш учун ушбу юқори нуфузга эга бўлган органнинг фаолияти сиёсат ва қонун чиқариш соҳалари билан таъминланган бўлиши лозим.

Мамлакат сиёсий ҳаётида партиялар муҳим роль ўйнашлари лозим. Фуқаролик жамияти асосларини яратиш, сиёсий плюрализмни ривожлантиришга истиқлол кенг имкониятлар яратди. Ҳозир Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий партиялар турли жамоатчилик гуруҳларининг манфаатларини ифода этадилар. Хусусан «Адолат» СДП партияси аҳоли кенг қатламларининг манфаатларини ифода этишга даъват этилган. Биз уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кумаклашиш орқали уларнинг сиёсий онгини ошириш ва юксак даражада ривожланган жамият қуришнинг фаол иштирокчиларига айланишлари учун ҳар қат қилишимиз.

Суҳбатдош: Каримжон РИХСИЕВ.

Ҳамкасб эътирофи

ҚАЛАМИНГИЗ ҲЕЧ ТОЛМАСИН...

Вақт югуриқ шамол дейдилар, «Овози Самарқанд»нинг ҳали босмаҳона бўйғи қуриб улгурмаган илк сонини ҳамкасблар даврасида ҳавас ва хайрат билан қўзғал кечирганимиз эсимда. Шунга ҳам ўн йил бўлибди.

УН ЙИЛ. Тарихимизнинг янги, шиддатли бўрилишлари, оксациялар, қувонч ва изтироблар даври. Истиқлолнинг моҳиятини, қадр-қимматини англаб, ўзлики намоён этиш, Ва-

ли рўзномасига айланди. Уларнинг пок ниятлари, орзу-умидларига сирдош, қумқодош бўлди.

Аслида бу рўзнома икки тилда сузлашувчи битта халқнинг дилномаси. Чунки ўзбек муштарийлари ҳам «Овози Самарқанд»ни қўлдан қўймай ўқишди, муҳокама қилишди, фикр билдирди.

Газетанинг обрў-нуфузи

ортиб бораётганлигини унга келадиган хат-хабарлардан, мақолалардан ҳам билиш мумкин. Ва, яна бир муҳим хислати — бу даргоҳқа қадам қўйган киши ҳеч қачон ноумид бўлиб қайтмайди. «Овози Самарқанд» журналистлари ҳар доим адолат ва ҳақиқат ҳимояси учун қўч-ғайрат, матонат топа олишди. Асли журналист учун энг

муҳим фазилат ҳам шу: жасорат, қатъият, поклик ва адолатла пешвоз чиқиш! Бу йўлда парвозингиз баланд бўлсин, азиз ҳамкасблар дегимиз.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» рўзномасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз муҳбири.

ХАМ ИЧИГА КИРИБ БОРАЙЛИК

«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг партия ташкилотларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида» Сиёсий Кенгаш котиби
Анвар ЖУРАБОВЕВ маърузаси

Айни пайтда мустақил Ўзбекистонда тўртта партия мавжуд. «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда вужудга келган учинчи партия ҳисобланади. У энг етук зиёлилар, олимлар, тадбиркорлар партияси сифатида майдонга келганди.

«Куч — адолатда!» деганди буюк бобокалонимиз Амир Темур. «Дунёда ҳамма нарсага чидаш мумкин, аммо адолатсизликка чидаб бўлмайди», — деганди Президентимиз И. А. Каримов. Демак, бундан хулоса шуки, партиямиз зиммасига бениҳоя катта — адолатни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Шу беш йилу беш ой «Адолат» партияси учун ўзига хос синов муддати бўлди.

Эсингизда бўлса, дастлабки йилларда партиямизга юзлаб одамлар ёпирилиб, нажот сураб келишган эди. Сунг, тан олиб айтиш керакки, бу фаоллик пасая бошлади. Президентимиз Олий Мажлис сессияларида ҳам, «Фидокор» газетаси мухбири саволларига қайтарган жавобда ҳам, бошқа қатор маърузаларида ҳам мамлакатимиздаги мавжуд партиялар фаолиятини кескин танқид қилди, уларнинг сустигини, ҳали мударб ётганини таъкидлаб ўтди. Бу ҳақда илгарилари ҳам гапириб ўтганди. Юртбошимиз яна бир нарсани — Ўзбекистонда партияларни бир-биридан умуман фарқи йўқлигини ҳам афсусу наҳомат билан айтганди.

Биз шундан тегишли хулоса чиқардикми? Партиямиз ҳалқ орасида ўз ўрнини топдими? Кенг ҳалқ оммаси «Адолат» партиясининг бошқа партиялардан фарқи нима эканини яхши биладими?

Очигини айтганда, билади, лекин жуда яхши билмайди. Бунни ўтган йил деярли ҳама билди. Ҳар бир аҳоли оқибатини ўтган йилда билди.

Нега шундай бўлди ва бўлмиди? Бунинг сабаблари кўп. Аммо «беш» сабаби шундаки, партиямиз, айниқса, унинг вилоят, туман ташкилотларида қандайдир лоқайдлик ҳукм сурмоқда, интизом низоида бўлашиб кетган. (Бунга партиямиз парламент партияси, беш фақат сайловлардагина фаол ишлаймиз, деган баҳона ҳам топганмиз).

Лексин бу баҳона шунчаки номга эканини ўтган йилги сайлов жараёни аққол қурсатди.

Тўғри, сайловга ёмон тайёргарлик қурмадик, ҳар вилоятда учрашув ва йиғилишлар бўлиб ўтди, телевизион баҳсларда партиямиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Тошкент шаҳридаги «Шаршара», «Карима» қўшоналаридаги мулоқотларимиз ҳатто телевизиордан ҳам намойиш этилди. Яққасарой туманида ҳам ана шундай йўналишда яхши ишлар амалга оширилди. Фарғонада — Абдусаммад Мамажонов олиб бораётган юмушлар ҳам диққатга сазовордир. Пленумлар, турли йиғилишлар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Лексин ана шу қарорлар амалга қандай таъдбир этиляпти?

Агар Фарғона, Андижон, Тошкент, Хоразм вилоятлари партия Кенгашлари қўйилган вазифаларни турли тушуниш, омма орасида партиянинг мақсадларини, Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи қаҳриқчиринчи сессиясидаги маърузасида сиёсий партиялар олдига қўйган вазифалар моҳиятини тарғиб қилиш, жамиятимиз ҳаётига ижтимоий адолат таъминлашнинг жорий этиш бора-сида бир қатор хайрли тадбирларни амалга ошираётган бўлсаларда, партия сафларини сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук фуқаролар билан тўлдирётган бўлсаларда, қолган вилоятлар —

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар партия Кенгашларида бу ишлар ҳали қонқарли эмас. Вилоят кенгашлари фаолияти ҳақидаги, ўтган пленум қарорларини бажариш юзасидан ҳисоботлар партия Марказий аппаратида ўз вақтида ёки умуман топширилмайд.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах вилояти вакиллари партия қўрултойи ва сайловлардан бери Сиёсий Кенгашга келгани йўқ. Партия ташкилотларининг фаолияти, аъзолари, туман Кенгашлари котиблари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Самарқанд ва Навоий вилоят Кенгашлари ташкилий-партиявий ишларни бутунлай ташлаб қўйдилар десак, хато бўлмайди. Улар нафақат партия аъзолари рўйхатини олиб бориш, туман Кенгашлари ишини йўналиштириш ўқда турсин, ҳатто вилоят Кенгаши мажлисларини ҳам чақирмай қўйганлар.

Ўтган сайловларда фаоллик қурсатган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари партия Кенгашлари ҳам партиянинг ташкилий ва тарғибот ишларини сусайтириб юбордилар.

Бу лоқайдлик ва сусткашлик сайловлар даврида партиямиз сафига кирган аъзоларнинг катта қисмини партиядан четлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш керак деб ўйлайман. Бу партия аъзоларининг аъзолик бадаллари масаласидир. Ханузгача бир қатор вилоят партия ташкилотларида бу масала йўлга қўйилмаган. Агар ойллик маошнинг бир фоизи қўпик қилса, майли вилоят Кенгашлари уларига турли келадиган миқдорни белгиласинлар, ахир аъзолик бадаллари партия даромадининг асосий қисмини ташкил этади.

Таъриба шуни қурсатадики, аъзолик бадалли туламайдиган партиянинг партия аъзоси деб ҳисоблаш қийин, чунки у партия Низомида келтирилган талабларни бажармаётган.

Ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш учун бажарилишининг назорати ҳам катта роль ўйнайди. Афсус, жойлардаги партия ташкилотларининг ижрочилигини ҳам, назоратини ҳам уларига топшириб, ишларни бўшаштириб юбордик. Олдинги пленумларимизнинг бирида биз ҳар бир вилоят бўйича масъул тайинлаб, жойлардаги ишлар билан танишиб келишни, керак бўлса, партия ташкилотларига ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилган эдик. Лексин бу қарорлар тулалигича бажарилмади. Шу сабабли шу тадбирни яна жорий этиб, вилоятлар бўйича партия Сиёсий Кенгаши тарҳибдан масъуллар тайинлаб, уларни вилоятларга жўнатсак.

Бу қўрилаётган масалани ҳал этишда муҳим омили бўлган бўлар эди. Ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида, биринчи гада маблаг зарур. Юқорида аъзолик бадаллари ё ўз вақтида

туланмаётгани ёки умуман туланмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бу масалага қайтиб, шуни таъкидлаш жоизки, Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида бу иш бироқ яхши йўлга қўйилган. Аммо, агар бизда нечта бошланғич партия ташкилоти мавжудлиги ҳақидаги, ва кутилгани — сайловлардан кейин умуман партиямизда неча нафар аъзо борлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ва шу боис бадалнинг ўз вақтида йиғилиши доимо муаммага айланиб қолаверади. Фақат ва фақат бошланғич ташкилотларига партиямизнинг ҳалқ ичига тобора чуқурроқ кириши учун ўзига хос устун ҳисобланади. Демак, бу устунлар қанча бўш бўлса, бизнинг умумийимиз ўшанча бўлишига қўлаверди. Демак, бизнинг қиладиган бугунги энг муҳим ишимиз — пленум йиғилишларимизнинг қарорларини бажаришни назорат қилиш билан бир қаторда, бошланғич партия ташкилотларининг ишини яхшилашдир.

Биз бошланғич партия ташкилотлари орқали ҳалқ ичига янада чуқурроқ кириб боришимиз лозим. Айниқса, партиямиз гоиларини, унинг олдига турган вазифаларни ҳалққа тушуниришда матбуотнинг ўрни каттадир. Бу ўринда «Адолат» газетаси хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Газета ижтимоий адолатни тиклаш, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини тиклаш, Фармон ва қонунларни шарҳлаш борасида талай ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги роли катта. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: «Мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши ҳақида сўз юртганда, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Ўйини:

сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги таъминлангани, гуманизм гоилари ва умуминсоний қадриятларини қарор топтириш.

Демократиянинг зарурий шарт бўлган кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш. Илгари ҳам таъкидлаганимдек, амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва гоилар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиқ партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир».

Демак, бизнинг партиямиз ҳам ўз ишқини фаоллаштириши, сиёсий рақобат майдонини муҳолиқ партиялар билан баҳс-мунозарага киришса олиши, ўз гоиларини ҳалққа чуқурроқ тушунира олиши лозим бўлади.

Бунинг учун партиямиздаги ишни тубдан ўзгартиришимиз, лоқайдликни йўқотишимиз лозим. Ана ушандагина ҳалқ бизни танийди, одамлар бизга ишона бошлашади, ҳалқ ичига чуқурроқ кириб бориш учун имкониятлар тўғилди.

Ҳа, олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Шундан энг улуғи: мустақиллигининг 9 йиллик байрамини муносиб қутиб олиш ва ўтказиш. Юртбошимиз яқинда Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда бу хусусда жуда катта вазифалар ҳақида гапирди. Бунни эшитганимиз. Демак, «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мустақиллик байрамини миллий ифтихор байрамига айлантиришдек эзгу юмушга ўз муносиб ҳиссасини қўймоғи зарур.

Замондошимиз РАИС ТАДБИРКОР ЧИҚДИ...

Каттакўрғон туманидаги Элмурод Қурбонов номи жамоа ҳўжалиги сурункасига пахта ва галла тайёрлаш режа-топшириқларини бажармай келаётгани туман раҳбарларини қаттиқ таъвишга солди. Кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан кам даромад олинаётганини сабабли ушбу ҳўжалик деҳқонлари меҳнат ҳўжларини олишолмай қўллари ишдан совуганди. Ҳўш, ҳўжалик қаддини ростлаши учун нима қилиш керак? Туман раҳбарлари бу борада жамоа аҳли билан ўзоқ суҳбатлашди, кекса деҳқонлар билан маслаҳатлашди...

Ақсарият меҳнат фаҳрияти ҳўжалик иқтисодий билимга эга, кишлоқ ҳўжалигини обдон тушунадиган, эл таъвиши учун ёниб югурадиган раҳбар кек, деган фикрни кундаланг қўйдилар. Кўпчилик деҳқонлар эса, туман ҳўкимининг иқтисодий масалалар бўйича муовини бўлиб ишлаб келаётган, ана шу жамоа ҳўжалигида меҳнат фаолиятини иқтисодчилик ва ҳисобчиликдан бошлаган Маҳмуджон Бозоровни ҳўжаликка раҳбарлик лавозимига олиб келишни тавсия этишди.

Ҳўжалик аҳли Маҳмуджон Бозоровни ўзларига раисликка сайлаб, адашмадилар. Маҳмуджон ишчи ер шароити, деҳқончилик, иқтисодий соҳаларни ўрганишдан бошлади. У шу ернинг фарзанди бўлганлиги учун ҳам, қайси майдондан қанча ҳўсил олиниши, ҳўсил дорлиқни қўйишга эътибор бериш кераклигини биларди. Шунинг учун у зарчаб қолган ерларни маҳаллий ўғит билан тўйгазиш, шурини ювиш, ҳар бир қарч ердан самарали фойдаланиш ишига астойдил киришди. Ернинг умри бекор кетмаслиги учун ҳар бир деҳқон тадбиркорлик билан иш юритиши, бунинг учун эса, техника қувватидан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида ҳўжалик аъзоларига тушуна берди. «Ерга меҳр қўйсанг, ер билан тиллашсанг, астойдил пешона тери тўкиб меҳнат қилсанг, даромаднинг ҳам кам бўлмайди» дея, жамоа аъзоларини ишга даъват

Мана 4 йилдирки, Элмурод Қурбонов номи жамоа ҳўжалиги кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда, Каттакўрғон туманида пешқадамлардан биридир. Биргина ўтган йили пахта, галла, пилла тайёрлаш режасини ошириб бажарганлиги туфайли ҳўжалик касасига 146 миллион сўм даромад тушди. Ана шу маблаглар ҳисобига ҳўжалик техника саройи, пахтачилик бригадала-

чолик қилиш, гузани яғнадан қариш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашади. Биз, ҳўжалик бошқаруви фаоллари билан кишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ишларнинг ҳар бир тури тадбирларини олдиндан тузиб бораемиз. Жамоамиз аъзолари эса ана шу тадбирлар асосида ўзларига бундан қилган вазифаларни оғиймай амалга оширмоқдалар. Ҳалол ва фидокорона меҳнат қилганликлари туфайли ҳам яхшигина даромадга эга бўлмоқдалар. Масалан, Ёлут Усмонов бошлиқ ишлар аъзоси ўтган йили 4 гектар майдондан 15 тоннадан кўп юқори сортли пахта етказиб берди. Шунинг эвазига 200 минг сўмга яқин соф даромад эгаси бўлди. Ҳўжалигимизда бундай оилавий звенолар кўпчилиги ташкил этади.

Ҳа, бугунги кунда Элмурод Қурбонов номи жамоа ҳўжалигининг қайси бир қишлоқда бўлгани, Маҳмуджон Бозоровнинг тадбиркор, фидокор ва ташкилотчилиги ҳақида илқ сузларни эшитасиз. Раис биргина ишлаб чиқариш билан боғлиқгина қолмай ҳалқ таълими, маънавият ва маданият соҳаларига ҳам алоҳида эътибор беради. У ҳўжалик ҳўлудига 4 та мактаб ва болалар боғчаларида тез-тез бўлиб ўқитувчи, қувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар шароитларидан хабар олади. Мактабларни таъмирлаш, қувчиларга қув қуроллари етказиб бериш сингари муаммолар раис назаридан сира четда қолмаётган.

Маҳмуджон Бозоров фидокор раҳбар бўлиши билан бирга меҳрибон оила бошлиғи ҳамдир. У 5 нафар фарзандини турмуш ўртоғи Мавлуда Тирмезева билан бирга она-Ватанига, меҳнаткаш ҳалқига нисбатан сadoқат руҳида тарбиялаб келмоқда. Шу боис ҳам унинг фарзандлари ҳақида одамлардан илқ сузлар эшитасиз.

Аскар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири.



Шаҳрисабз туманидаги Бобур номи жамоа ҳўжалигида экин парвариши намунали ташкил этилганлиги туфайли ҳам гузалар шигил қўскай бошлади. Ҳисоб-китобларга қараганда 490 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳўсил олиш учун барча имкониятлар мавжуд.

СУРАТДА: ҳўжалик раиси Баҳодир Отонакулов (ўртада) муовини О. Тўракулов ва касба уюшма қўмитаси раиси Ш. Худойбердиевлар билан гузаларни кўздан кечирмоқда.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Энди. Саёй-ҳаракатлар эса зое кетмади. 1997 йилда Элмурод Қурбонов номи жамоа ҳўжалиги пахтакорларни давлат 3189 тонна юқори сифатли пахта топширишди. Бу 1996 йилга нисбатан 1200 тонна кўп эди. Шунингдек, агар ҳўжаликда 1996 йил 969 тонна галла етиштирилган бўлса, бу рақам 1997 йилда 1419 тоннага ташкил этди.

Яхшидан шарофат деганларидек, ҳўжалик раҳбари Маҳмуджон Бозоровнинг меҳнаткашлар ўртасида ишчи турғи ташкил эта олганлиги, ҳар бир қарч ердан, сувдан, техникадан самарали фойдаланиш йўллариини излаганлиги туфайли ҳўжалик давлат олдига 9 миллион сўмлик қарзидан қўтилиб.

рининг дала шийпонлари қайта таъмирланди, янги техника, ускуналар сотиб олинди. Энг муҳими ҳўжалик меҳнат аҳли иш ҳўжларини ўз вақтида оладиган бўлди.

Янгиликка интилувчан Маҳмуджон Бозоров пахта ва галла ерларини ҳалол меҳнат қилдиган деҳқонларга, яъни оилавий звеноларга бўлиб берди. Ҳозир ҳўжаликда пахтачилик бўйича 241 та, галлачиликда эса 83 та оилавий звенолар ташкил этилган.

— Ерни звеноларга тақсимлаб берганимиз яхши самара берапти, — дейди Маҳмуджон Бозоров, — негаки деҳқон бурч масъулиятини чуқур ҳис этади, у ҳўжалик билан тузилган шартномалардан чегарага қўйилмай, ҳар бир қарч ердан самарали фойдаланади. Айниқса, ерни

● Газетхон ёрдам сўрайди

ЎГАЙ КЎЧА

Кўча мизнинг «Ўгай кўча» эканлигини шундан ҳам билса бўладики, бундан 5-6 йил муқаддам барча маҳаллалар каби «Тарнов боши» маҳалласидаги эски, ёрқисим ёлғочлар алмаштирилди, симлар тортилди. Эрталаб ва кечаси йўлга бориб келадиган ишчи-экинатчилар, қувчилар қоронғуда қийинлашмадилар ушун сиз ёлғочларга ла м а п о ч к а л а р қўйилди, кўчалар қароғон этилди. Бирок Латофат қўчасининг ярми ва 1-2-3-тор кўчалар қаровис — ш у н д а й л и г и ч а қолиб кетди...

1998 йили маҳалланинг санитария ҳолатини яхшилаш учун кўчаларга канализация ўтказилиб, асфальтланган тегисланди. Аммо, яна «Ўгай кўча» — Латофат 1-2-3-тор кўчалари кимларнингдир айби билан асфальт ётқизилмасдан шағал тўкилганча қолиб кетди. Биз маҳалла оқсоқолроқ бў ҳақда бир неча марта мурожаат этдик. У: «2000 йилнинг биринчи қоронғида асфальтланади», деб жавоб берди. Баҳорда яна мурожаат этганимизда, «Пул йўқ экан», деди. Яқинда оқсоқол: «Нозирлардан илтимос қилдик. Ваъда беришди», деганига ҳам бир ой бўлди.

Хўрматли муҳаррир! Биз «Ўгай кўча»да яшовчилар йил охирига сиз ёлғочларни алмаштириб, қўчасининг Латофат қўчаси иккинчи ярми ва «Бунёдкор» кўчалари каби қароғон бўлишини, ногирон, кексалар, ёш болаларни мизга қўзғиниб ёлғир, қийинчи қориди қийналмасликлари учун кўчаларни текислаб асфальтлаб беришлари ҳақидаги талаб ва и с т а к л а р и м и з н и «Адолат»да ёритишнинг илтимос қиламиз. Зеро, тегишли ташкилотлар «Адолат»ни ўқиб, адолат қилишга ажаб эмас!

Ғиёс АХМАДАЛИЕВ, уруш ногирони.

● Ҳамкорлик — элчи нигоҳида

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРДАН — АМАЛИЙ МУНОСАБАТЛАРГА

Эрон Осиё минтақасида ўзига хос салоҳиятга эга бўлган давлат. Иқтисодий эркинлаштириш борасидаги ислохотлар мамлакат тараққиётига сезиларли таъсир қўрсатаётганлиги, ижтимоий, илмий-маданий соҳалар ривожига янги имкониятлар пайдо бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Эронда озик-овқат ва қайта ишлаш саноати жадал ривожланиб, экспорт имкониятлари кенгаймоқда. Минтақада тинчликни, ҳавфсизликни таъминлашда ҳам бу давлатнинг ўз ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Эрон Ислам Республикасида расмий таширидан сўнг икки давлат муносабатларида янги давр бошланиши кўтиломоқда. Зотан, яхши қўшничилик алоқалари ҳар иккала томон учун бирдек манфаатли ва истиқболдир. Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Хўсейн Нарокӣён жанобларининг фикрича, тарихан бир-бирига яқин бўлган икки халқнинг биргаликда ҳал этиш мумкин бўлган вазифалари талайгина. Яқинда элчи жаноблари Ўзбекистон ҳавти билан чуқурроқ танишиш истагида Самарқандга ташириб буюрди. Вилоят ва Самарқанд шаҳар ҳўкимликларида, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида, Ўзбекистон — Эрон дўстлик ҳамжамиятининг Самарқанд бўлимида ҳамда бошқа меҳнат жамоаларда бўлиб ўтган самимий учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари муҳокама этилди.

Мухбиримиз фурсатдан фойдаланиб, элчи жанобларидан икки томонлама муносабатларнинг аниқ йўналишлари, тарихий таъриблар ва бугуннинг иштишлари хусусида сузлаб беришни илтимос қилди. — Элчи жаноблари, давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатити тарихий зарурат, аънавларни тиклашгина эмас, бугуннинг талаби ҳам. Шундай эмасми? — Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки давлатнинг ҳалқро саҳнада тугган урнига қараб белгиланган ва шу асосда ривожланиб ёки чегараланиб келгани сир эмас. Бугун эса Эрон — Ўзбекистон муносабатлари янги шарт-шароитлар таъсирида ривожланмоқда, деб тула ишонч билан айтиш мумкин. Чўнки, Ўзбекистонда ҳам Эронда ҳам ва Марказий Осиё минтақасида ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон ва Эрон давлатларининг ҳалқро саҳнада тугган ўрни, маъвои узгарди.

Авалло ҳар икки мамлакатда ижтимоий соҳаларга, соғлом авлодга катта аҳамият қаратилмоқда. Демак биз учун инсон қадри, келажак ҳавти муҳим.

Минтақадаги ўзгаришларга тўхталсак, таъхид қиламиз. Мисол учун Толиблар ҳаракати, улар олиб бораётган «ўйин»лар, Толиблар фикр-қарашларининг Марказий

Осиё мамлакатларига суқулиб бораётгани, нарқолик моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш, қурол-аслаҳаларни қонтрабанда йўли билан олиб ўтишга уришлар минтақага бирдек таъхид солмоқда. Эрон ва Ўзбекистон ана шу таъхидга қарши курашади бир-бирига яқин стратегияни танлаб олдилар.

Халқларимиз ўртасида, маданиятларимиз ўртасида яқинлик, муштараклик азалдан мавжуд. Эрон ва Ўзбекистон иқтисодий, саноат соҳасида шундай имкониятларга эгадирларки, улар бемалол бир-бирларини тўлдириблар мумкин. Бошқа соҳаларда ҳам бундай мисоллар кўп. Демак, ҳамкорлик бугуннинг талаби.

— Муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, йўналишларига тўхталсизми?

— Айтиш мумкинки, Ислам Каримов жаноби олийларининг мамлакатимизга таширидан сўнг ўзаро муносабатларда янги имконият, шарт-шароитлар яратилди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида бир қанча расмий ҳужжатлар имзоланди. Ҳужжатлардан бири — икки мамлакат раҳбарлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар олиб боришга тегишлидир. Демак, кўпчилигида бир-бирини тушуниш, борди-қолдилар қўнади. Яна бир муҳим ҳужжат — ҳалқро терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда биргаликда иш олиб боришга тааллуқли. Ва икки мамлакат ўртасида жиноятчиларни ўшлаб, бир-бирига топшириш ҳақидаги ҳужжат ҳам имзоланганлиги муҳимдир. Қолаверса, сармоялар кири-тишини ўзаро ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш, боғхоналар ўртасидаги ҳамкорликка оид қилишувлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ўз ифодасини топанлигини таъкидламоқчиман.

— Жаноб элчи, диний экстремизм бир мамлакат ҳудудидан чиқиб ўзига янги сарҳадлар излаётгани, кишилар онгини, турмушини захарлаётгани хусусида соғлом фикрловчиларнинг ташвиши қўнаганми?

— Фикримча, мамлакатимизнинг расмий қарайи ҳам шундан иборат. Экстремизм қайси шаклда бўлмасин салбий йўналиш ва гоилардан иборат. Бунинг натижаларини эса аққол қўриш мумкин...

— Самарқандда сизни қутиб олган Ўзбекистон — Эрон дўстлик ҳамжамияти қай жиҳатлари билан эътиборингизни тортди?

— Маданиятларимиз, санъатларимиз ўртасидаги яқинлиқни тарғиб этиш билан! Умуман ҳалқро муносабатларда нодавлат ташкилотларининг тугган ўрни узгача. Ўзбекистон — Эрон дўстлик ҳамжамияти ҳам бу борада салмоқли ўрин тутуши мумкин. Чўнки ҳалқ дипломатиясини гоят қудратли. Сабаби, уни ҳаракатлантирувчи куч — халқ!

Суҳбатдош Зоҳир ТўРАКУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг III пленуми мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида, партиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи қаҳриқчиринчи сессиясидаги маърузасида билдирган мамлакатимиз сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифаларини амалга оширишга киришган бир паллада бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари, юртбошимизнинг Оқсарой қароргоҳидаги зиёлилар билан ўтказилган мулоқотда, ҳамда истиқлол мафқурасини ишлаб чиқиш масаласи ҳозирги кунда низоида муҳим ижтимоий-сиёсий масала, унинг ўз мудоаларига эришиш учун маънавий-руҳий қўқувват берадиган пойдевор деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли ҳам бу масалани ҳал этишга катта интеллектуал мавқега эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз муносиб ҳиссасини қўшишга тайёрдир.

Қайд этилган вазифал

оавар-ларнинг нархи
тариллишини кута бошлаган.
Амо кузлаган мақсадини
алга оширишга қонун
посн-лари йул бермадилар.

Суд Х. Турдиевнинг ҳатти-
ракатини қасддан қилинган
ир жиноят сифатида

буладиган бўлди. Начора:
қилмиш-қидирмиш, дейди-
лар...

Б. МАДИЕРОВ,
Жиззах вилояти
суди судьяси.



Мақоладда келтирилган факт ва рақамлар
чун факт муаллифларга жавоб берадими,
Қўлзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» навириёт-матбаа концерни босмаханаси,
Қорхона мажлиси: «Буюк Турон» кучаси, 41.

Босишга тейишлик вақти—20.00. Босишга тейишликди 20.00

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси-32.